

ЖИЗЗАХ – АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА

**Jizzax davlat pedagogika instituti tarix fakulteti tarix va uni o'qitish
metodikasi kafedrasi dotsenti Axror Pardayev
a.pardayev2021@gmail.com**

Аннотация

Мақолада “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарофиддин Али Яздиининг “Зафарнома”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби ёзма манбалар таҳлили асосида Жиззах воҳаси, воҳадаги шаҳар ва кентларнинг тарихи ва номлари аниқланди, воҳада бу даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўрганилди.

Калит сўзлар: Темурийлар даври, ёзма манбалар, шарқий дарвоза, Тузуклар, Зафарнома, Бобурнома, Уструшона, Дизак, Зомин, Ём, Пишогор, Бунжикат, рустоқ,

Аннотации

Статья основана на анализе письменных источников, таких как «Темура Тузуклари», «Зафарнома» Низомиддина Шами, «Зафарнома» Шарофиддина Али Язи, «Бобурнома» Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: период Тимуридов, письменные источники, восточные ворота, Тузуклар, Зафарнома, Бобурнома, Уструшона, Дизак, Заамин, Йом, Пишагор, Бунджикат, Русток,

Annotation

The article is based on the analysis of written sources such as "Temur Tuzuklari", Nizomiddin Shami's "Zafarnoma", Sharofiddin Ali Yazdi's "Zafarnoma", Zahiriddin Muhammad Babur's "Boburnoma". processes were studied.

Keywords: Timurid period, written sources, eastern gate, Tuzuklar, Zafarnoma, Boburnoma, Ustrushona, Dizak, Zaamin, Yom, Pishagor, Bunjikat, rustoq,

Мовароуннахрнинг марказий қисмида жойлашган Жиззах воҳаси азалдан Зарафшон дарёси ҳавзасидаги шаҳар, қишлоқлар учун муҳим стратегик аҳамиятга эга «шарқий дарвоза» вазифасини ўтаган. IX-X

асрларда Уструшона мамлакатида нуфуз жиҳатдан пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейинги учинчи ўринда турадиган Жиззах (Дизак) Фағнон рустоқининг бош шахри сифатида, қўчманчи чорвадор қабилаларнинг босқинларини қайтариш ва уларга зарба бериш учун «ғозийлар қарорғоҳи»га айланган. Ёзма манбалар хабарига кўра, бу давларда Жиззахда нафақат уструшоналикларнинг, балки самарқандликларнинг ҳам ҳарбий қалъа-рабодлари бўлган¹.

Мовароуннахр хукмдорлари, хусусан, Амир Темур ва темурийзодалар ҳамда Шайбонийхон ва шайбонийлар хукмронлиги даврида ҳам Жиззах музофоти мустаҳкам қалъа-қўргонлари билан муҳим ҳарбий стратегик ўлка сифатида қадрланган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги қўрғон, кентлар ҳақида етарли даражада маълумотлар келтирилган. Бу омиллар ўша даври тарихий ёзма манбаларида ҳам ўз аксини топган.²

Соҳибқирон Амир Темур ўз “Тузуклар”ида – “Қимматли баҳодирлар соясида 27 ўлкан ҳоқони бўлдим” деб таъқидлайди ва тасаррӯфидаги юртлар қаторида Зоминни ҳам мустақил ўлка сифатида санаб ўтади.

Шунингдек, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидаги Жаҳонгир фаолияти билан боғлиқ воқеалар баёнида Жиззах воҳасидаги Дизак, Зомин, Ём каби шаҳар ва қўргонлар ҳам тилга олинади. Ём қўрғони ҳоқоннинг чопар ва жосуслари узоқ сафар пайтида от алмаштирадиган маҳсус макон сифатида талқин этилади. Муаллифнинг ёзишича, бу даврда соҳибқиронга қарашли зарбдор сипоҳ Жиззахда мунтазам турган ва Дизак-Чиноз йўналиши орқали ўтадиган «Етти қудук» йўлини қўриқлаган. Амир Темур давлат тепасига келгунча Жиззах учун аввало мўғул-жеталар билан, сўнгра Амир Ҳусайн билан қўролли тўқнашув бўлиб ўтган³.

¹ Мухаммад Солих. Шайбонийнома. Т: F.Фулом нашриёти, 1989, 93, 126 б.

² Пардаев А.Х. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах. //ЎММТ, 32-сон, Т: 2001, 251-255 б.

³ Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» Т: «Ўзбекистон» 1992. 36, 54-55 б.

«Етти қудуқ»нинг бири, ҳозирда «Самарқанд қудуқ» номи билан аталади. У Жиззах шаҳридан 15 км шимоли-шарқда жойлашган. қолган қудуқлар ҳам шу ҳудуддаги «Гала қудуқ» номи билан аталувчи мавзеда жойлашганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Асарда “Уструшона Умаршайх Мирзо тасарруфида эди”, деб ёзади.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда ҳокимият учун курашдаги 1367-1368 йил воқеалари бевосита Жиззах воҳаси билан боғлиқлиги келтирилган. “Зафарнома”да Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида қўйидагича маълумотлар берилган:

Ўша мавзеда Малик икки минг киши билан келиб Сўзангаронда турди, Жаҳоншоҳ бир минг беш юз киши билан Работи Маликка келиб тушди. Яна бир минг киши Еттиқудук йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи)га келиб тушди. Жанг лашкарнинг озлиги ёки кўплиги билан эмас, улуғ Тангрининг ёрдами ва қўлловига кўра (ҳал) бўлишига ишонган Амир Соҳибқирон амир Кайхисвар билан келишган ҳолда икки минг мӯғул аскари ила Тангри таоло ёрдамига ва иноятига таваккал қилиб, амир Ҳусайн лашкари томон йўлга тушди. Амир Соҳибқирон беш юз отлиғ билан лашкарнинг манғлойи бўлиб, Ҳавосдан чиқиб келиб, Даҳоншоҳ лашкарига тўсатдан ҳужум қилди, уларни пароканда ва зеру забар этди. Ўша куни Дизак мавзейига етдилар. Озгина тўхтаб, отларга дам беришди.

Шу аснода Кайхисвардан киши келиб: “Дизак мавзеида қолдирилган икки юз муғул мусулмонларни талон-тарож қилиб, асир олиб кетдилар”, деб ҳабар берди, дархол отга миниб Кайхисварнинг олдига етиб борди. У билан кенгашиб шундай деди: “Раият Тангри таоло хазратининг (бизга) топширилган омонатидир. Тонгла қиёматга уларнинг ахволини биздан сўрайди. Айниқса бизга итоат қилиб бўйсуниб турган мусулмонлар тоифаси (ҳақида сўрайди). Бу ишнинг чорасини кўришга сустлик қилмаслик керак”.

Темурийзода Бобурмизронинг шоҳ асари “Бобурнома”да Зомин, Пишағар, Рабоди Малиқ, Ёряйлоқ, Дизак қўрғонлари ҳамда Илонўтди дараси ҳақида батафсил маълумотлар берилган. “Бобурнома”да, XV аср охири – XVI аср бошларида Жиззах воҳасини темурий султонларга тобе бўлган Дўлдой уруғи вакиллари бошқарганлиги, воҳанинг қўплаб кентлари Бобурмирзонинг пири ва устози Хўжа Ахрор Валийнинг мулки эканлиги ёзилган.

Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Еттисув ва Мўғулистандаги темурийларга қарши мухолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини қўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятепа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-қўрғонлари қайта таъмиранган, ҳарбий кудрати оширилган.⁴

1425 йилда Улуғбек жеталар юрти Мўғулистанга ҳарбий юриш қиласи ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли ғалабаларидан бири, энг ёрқини ва асосийси эди. Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот «Темир дарвоза»нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган⁵.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Уструшна бир пайтлар Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган» деб эслатиб ўтади ва Жиззах воҳасидаги ахоли масканлари - Дизак, Зомин, Йом, Пешағор, Ёр-Яйлоқ, Халилия каби кентлар, Илонўтти дараси ҳақида маълумотлар келтиради. Дарҳақиқат, Бобур 1498-1499 йиллар қиши мавсумини ўзининг пири-устози Хожа Убайдуллоҳ Ахрор мулкларидан бири Пешағор қўрғонида ўтказади. 1501-1502 йилларда узоқ давом этган Самарқанд қамали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган,

⁴ Пардаев М., Пардаев А. Жиззах музофоти Амир Темур ва Темурийлар даврида //Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. Илмий конференция материаллари. Самарқанд, 1996, 94-95 б.

⁵ Пардаев М. Мирзо Улуғбекнинг «Темир дарвоза» даги тош битиклари хусусида //Мирзо Улуғбек ижоди ва унинг дунё цивилизациясида тутган ўрни. Самарқанд, «Суғдиён», 1994. 125-126 б.

Шайбонийхондан мағлубиятга учраган Бобур кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда туриб қолади. Жиззахда юксак эътибор, меҳмоннавозлик кўрган Бобур Жиззах ва унинг атрофидаги турар-жойлар, халқнинг ҳаёти тўғрисида айrim тафсилотларни ёзиб қолдиради:

«Кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландик. Тонгдан бурунроқ Халилия кентига келиб, сўнг Дизак борилди. Бу пайтда Дизакта Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой (ҳоким - А.П.) эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арzon, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усрattин мундоқ арzonлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук.

Ваҳму усрattin амоне топтуқ,
Янги жон тоза жаҳоне топтуқ.

... Мундоқ душман балосидан ва очлик истилосидин халос бўлиб амонлиғ роҳатиға ва арzonлиғ фароғатиға етиштук, Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук»⁶.

Демак, муаллиф ёзганидек, бу пайтда Жиззахда дўлдой уруғи вакили Ҳафиз Муҳаммадбекнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилган. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, соҳибқирон томонидан тамға олиб юксак мартабага сазовор бўлган ўн икки аймоқ (барлос, тархон, жалойир, аргун, ...) орасида дўлдой уруғи ҳам бўлган. Амир Темурнинг қўшини қирқ аймоқдан чиққан навкарлардан, ҳамда хос навкарлардан иборат зарбдор авангард қисмдан ташкил топган. Хос навкарлар эса фақат ўн икки аймоқ жангчиларидан тузилган². Дўлдой уруғи бек ва амирларининг аксарият қисми темурий шаҳзодаларга хизмат қилишган, уларга тарафдор бўлишган. Жиззах ҳокими Тоҳир дўлдойнинг отаси Ҳафиз Муҳаммадбек Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида аввал Андижонда, кейинчалик Ўратепада унга қарам сифатида хизмат қилган. Эҳтимол шунинг учун ҳам,

⁶ Темур тузуклари. Б.Аҳмедов таҳрири остида. Т: 1991, 86-87 б.

Тоҳир дўлдой Шайбонийхон ғазабига дучор бўлишидан қўрқмай Жиззахда Бобурни юксак мартабали меҳмон сифатида кутиб олган ва унга хурмат-эҳтиром кўрсатган¹.

Адабиётлар руйхати:

1. Аминжанова М., Желтова Г.И. Ўзбекистон тарихидан лавщалар. Т: «Ўқитувчи». 1974. 86 б.
2. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т: F.Фулом нашриёти, 1989, 93, 126 б.
3. Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Т: «Ўзбекистон» 1996. 68-70 б
4. Пардаев А.Ҳ. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах. //ЎММТ, 32-сон, Т: 2001, 251-255 б.
5. Пардаев М. Мирзо Улуғбекнинг «Темир дарвоза» даги тош битиклари хусусида //Мирзо Улуғбек ижоди ва унинг дунё цивилизациясида тутган ўрни. Самарқанд, «Суғдиён», 1994. 125-126 б.
6. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах музофоти Амир Темур ва Темурийлар даврида //Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. Илмий конференция материаллари. Самарқанд, 1996, 94-95 б.
7. Темур тузуклари. Б.Аҳмедов таҳрири остида. Т: 1991, 86-87 б.
8. Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» Т: «Ўзбекистон» 1992. 36, 54-55 б.